MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 83 (9.427) 2000 йил 14 июль, жума ◆ Сотувда эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

## Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2000 йил 30 июндаги 250-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

**Ички валюта бозорида валюта алмаштириш операциялари ҳажмларини кенгайтириш ва чет элга кетаётган Ўзбекистон Республикаси резидентларининг хорижий валютага бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқ қондириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ваколатли банкларнинг алмаштириш шохобчалари орқали Ўзбекистон Республикаси резидентларига нақд хорижий валюта сотишнинг чекланган миқдорини 2000 йил 15 июлдан бошлаб 500 АҚШ долларигача кўпайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2000 йил 30 июндаги 250-сон қароридаги 4-банднинг иккинчи хат боши ва қарорга 2-иловадаги 15-банднинг биринчи хат боши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ваколатли банкларнинг алмаштириш шохобчаларида нақд хорижий валюта Ўзбекистон Республикаси резидентларига паспорт кўрсатилган ва хорижий давлатнинг кириш визаси, авиация ёки темир йўл чипталари мавжуд бўлган тақдирда 500 АҚШ долларигача сотилади».

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ваколатли банкларнинг алмаштириш шохобчалари орқали Ўзбекистон Республикаси резидентларига хорижий валюта сотишнинг чекланган миқдорини, ички валюта бозорида нақд хорижий валютага бўлган талаб ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда, мустақил равишда белгилаш ҳуқуқи берилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б. Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2000 йил 13 июль.

## ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 июль куни Оқсарой қароргоҳида Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг янги мустақил давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси Стивен Сестановични қабул қилди. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Халқаро теннис федерацияси президенти Франческо Ричи Битини ҳам қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистонда теннисни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, мазкур спорт турини янада оммавийлаштириш учун истиқбол режалари хусусида сўз борди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Банкротлик ва корхоналарни санациялаш масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг 2000 йил биринчи ярим йиллигидаги фаолиятига бағишланган йиғилиш бўлди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида шу йил олий ўқув юртларини битириб, бакалавр унвони ва имтиёзли диплом олган битирувчилар билан учрашув бўлди.

◆ Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида енгил саноат корхоналарида Меҳнат кодексининг хотин-қизлар, вояга етмаганлар ва ногиронлар учун белгиланган имтиёзларга доир қисмининг ижро этилиши қандай амалга оширилаётганлиги муҳокама қилинди.

◆ Республика Хотин-қизлар қўмитасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилишида бу йилги номзодларни аниқлаш бўйича биринчи ярим йилликда қандай ишлар амалга оширилганлиги тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

◆ Жорий йилда 122,5 минг гектар майдонда деҳқончилик қилган пойтахт вилояти деҳқонлари давлатга ғалла сотиш йиллик шартнома режасини бажарди.

◆ Республика биржа марказида акциядорлик жамиятларини қайта ташкил этиш ва уларни қайта шакллантиришда Германия депозитарийсининг тажрибасига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

◆ Республикамизнинг энг йирик зиё масканларидан бири — Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонаси янги адабиётлар билан бойиди. СОРОС фондининг МДҲ давлатлари доирасидаги лойиҳаси асосида мазкур кутубхона шундай имтиёзга биринчилар қатори сазовор бўлди.

◆ Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Мазкур Марказий қўмита раиси И. Абдуғаниев ўз аризасига биноан вазифасидан озод этилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг халқаро бўлими мудири Э. Қодиров Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси этиб сайланди.

◆ Тошкентдаги «Туркистон» саройида мамлакатимиз Мустақиллигининг 9 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним» республика кўрик-танловининг Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги жамоа ва хонандалар ўртасидаги якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ғолиб деб топилган 20 нафардан зиёд санъаткор иштирок этди.

◆ Наманган шаҳрида ташкил этилган «Намточ» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси илгари четдан келтирилган тақчил маҳсулот — газ ва сув ҳисоблагичлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

◆ Самарқанд шаҳридаги «Оби-машат» маҳалласида Ўзбекистон Республикаси давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг кўчма йиғилиши бўлиб ўтди.

### ЖАҲОНДА

◆ БМТ Бош котиби Кофи Аннан Афғонистонда бир-бирига қарши курашаётган томонларни яна бир бор ҳарбий ҳаракатларини тўхтатиб, тинчлик музокараларини бошлашга даъват этди.

◆ Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов 2000-2010 йилларда тиббиёт юзасидан янги дастур тақдим этди.

◆ Туркманистон Президенти Сапармурод Туркманбоши мамлакатнинг юксак унвонларига сазовор бўлган бир гуруҳ санъат ва маданият арбоблари билан мулоқот ўтказди.

◆ Тожикистон давлат Миллий университети олимлари ичимлик сувини тозалашнинг янги технологиясини ишлаб чиқди.

◆ АҚШ махфий хизмат маҳкамаси — Марказий Разведка Бошқармаси яқинда ўз тадқиқотлари хулосаларини эълон қилди.

◆ Яқинда Россиянинг Барнаул шаҳрида ғалати ҳодиса рўй берди. Бу ерда қаттиқ дўл ёғди, аммо думалоқ шарчалар шишасимон ялтироқ эди. Ҳар бир дўлнинг диаметри 4 сантиметр, оғирлиги эса 30 граммни ташкил этди.

◆ Футбол бўйича 2006 йилги жаҳон чемпионати Олмонияда ўтказиладиган бўлди. ФИФАнинг Цюрихда бўлган йиғилишида тўрт мамлакат — Англия, Олмония, Марокаш ва Жанубий Африка Республикасининг номзоди кўриб чиқилди.

◆ Футбол қироли Диего Марадона яна дунё матбуот аҳли назарида. Ярим йил мобайнида Кубада даволанган Марадона яқинда ушбу мамлакат фуқаролигини қабул қилганлигини эълон қилди. Кўпчиликнинг ажабланишига, ҳайратига сабаб бўлган бу кескин қарордан сўнг Марадона ўз паспортини алмаштирди ва Куба фуқаросига айланди.

ЮКСАЛИШ 9 ЙИЛЛАРИ



*Қурилиш*

## БУНЁДКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Пойтахтимизда Мустақиллик йилларида бунёд этилиб, шаҳримиз кўркига кўрк қўшаётган улкан иншоотларни бугун санаб улгурмайсиз. Айниқса, жаҳон андозалари даражасидаги йўллар қурилиши ва қайта таъмирланиши, транспорт қатнови учун қулай замонавий кўприкларнинг бунёд этилиши Тошкентимиз чиройини ўн чандон ошириб, кўрган кўзларни қувнатмоқда.

Ана шундай улкан иншоотлардан бири бугунги кунда энг қайноқ қурилиш объектларидан бири ҳисобланган ва Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги байрамига қурувчилар томонидан муносиб туҳфа бўладиган пойтахтимизнинг Аҳмад Дониш ва Ҳусниддин Асомов кўчалари кесишган жойда қад ростлаётган замонавий кўприкдир.

Бу бунёд этилаётган иншоот Халқлар дўстлиги кўчаси билан Ҳадра майдони, Фарғона йўли билан Тошкент айланма йўли, Аҳмад Дониш ҳамда Амир Темур кўчаларини туташтирувчи, бу ердан қатновчи транспорт воситалари ва шаҳримиз аҳолисига қулайлик туғдирувчи улкан кўприклар сирасидандир.

Шуниси қувонарлики, мазкур қурилиш лойиҳа асосида 3-4 йилда қуриб битказилиши режаланган эди. Ушбу иншоотда 3 сменада тиним билмай ишлаётган ва кўприксозликда яхши тажриба тўплаган бунёдкорлар уни 12 ойда фойдаланишга топширишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Бу қурувчилар «Тошметроқурилиш» трестининг 2-ерости отряди ишчи-хизматчиларидир. Уларга 20 дан ортиқ ёрдамчи пудратчилар мадад бўлишмоқда.

— Узунлиги 1200 метр ва кенглиги ўн беш метрни ташкил этувчи ушбу кўприкни бунёд этишда қурувчиларимизнинг ғайрат-шижоатини алоҳида таъкидлаш лозим, — дейди участка бошлиғи Сергей Дяков. — Улар масъулиятни ҳис этиб, ўз касбларини эъзозлаб бугунги саратоннинг жазирамасига қарамай баракали меҳнат қилишмоқда. Қурилиш-тиклаш ишларини ўтган йилнинг октябрь ойида бошлаган бўлсак, ҳозиргача деярли асосий ишларни бажариб қўйдик. Айниқса, Эркин Обидов раҳбарлигидаги бригада ҳамда Абдураҳмон Эгамбердиев, Владимир Яковлев бошчилигидаги звено қурувчилари вақтдан, қурилиш материалларидан унумли фойдаланишмоқда. Ҳадемай охирги юмушларни ниҳоясига етказиб, ободонлаштириш ишларини ҳам бошлаб юборамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, илгарилари бундай кўприкларни бунёд этиш учун темир-бетон заводларида тайёрланадиган махсус тўсинлар керак бўларди. Ҳозирда эса «Тошметроқурилиш» трести бунёдкорлари ўзига хос янгилик яратдилар, яъни металл конструкциялар ёрдамида исталган баландликда махсус қолиплар ясаб, шу ернинг ўзида бетон қоришмаларидан мустаҳкам кўприк қисмлари қўйилмоқда. Бу иш сифатига, самарадорликка ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга ортиқча сарф-харажатларга ҳам чек қўяди.

Кўприк лойиҳасини Тошкент бош режа асосида лойиҳалаштириш илмий-текшириш институти мутахассислари яратдилар. Кўприкнинг фойдаланишга топширилиши автотранспортларнинг эркин ҳаракатланишига қулайлик яратиш билан бирга, унинг остки қисмидан 2 та марказий автойўл, катта-кичик кўчалар ва трамвай-тролейбус йўллари кесиб ўтади. Пойтахтимизда ҳозирда ягона бўладиган бу иншоотда жами 5 миллиард сўмликка яқин қурилиш ишлари бажарилади.

Иншоотда давом этаётган қизғин меҳнат жараёни, тер тўкиб ишлаётган қурувчиларнинг ғайрати шундан далолат берадики, улар албатта, ўз сўзларининг устидан чиқиб, улкан кўприкни муддатида фойдаланишга топширадилар. Демак, ушбу кунни кўриб кўзлар қувнайдиган вақтга яқин қолди.

**Шарифа ИЛЁСОВА.**

**СУРАТЛАРДА: илғор кўприксозлар Абдумалик Тўхтабоев ва Қурбонали Айтековлар; қурилишда фаол иштирок этаётган 2-қурилиш-монтаж бошқармаси бунёдкорлари Юрий Зиновьев ва Равиль Идрисовлар; кўприк қурилишида замонавий техникалардан унумли фойдаланилмоқда.**

**Сергей Любчич олган суратлар.**





*Теннис*

## ЖАҲОН ГУРУҲИ САРИ

**Республикамизда теннисни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар самарасиз кетмаяпти. Зеро ҳозирда эркаклар теннис жамоамиз командалар ўртасида норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланмиш Дэвис Кубогининг энг юқори чўққиси сари интилмоқда.**

БУГУН

Ўзбекистон Республикаси Миллий банки спорт комплексининг теннис кортида Дэвис Кубогининг жаҳон гуруҳига чиқиш учун саралаш учрашувлари бошланади. Жаҳоннинг энг кучли 32 терма жамоаси таркибидан ўрин олиш учун ўтказилаётган ушбу турнирда Ўзбекистон ва Голландия катта ракетка усталари ўзаро куч синашишади.

КЕЧА

юртимиз спорт ҳаётидаги ушбу улкан воқеа муносабати билан «Шератон—Тошкент» меҳмонхонасида қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, ушбу маросимда МДҲ давлатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонга ташриф буюрган Халқаро теннис федерациясининг Президенти Франческо Ричи Бити иштирок этди.

— Ўзбекистон 1994 йилдан буён Халқаро теннис федерациясининг аъзоси бўлиб, кейинги йилларда жаҳондаги етакчи теннис мамлакатлари сафидан ўрин олди, — деди жумладан тадбирда сўзга чиққан Франческо Ричи Бити. — Мен Ўзбекистонда теннис жуда оммалашганлигини яхши биламан. Чунончи, кеча Самарқанд шаҳрида бўлганимда жуда кўп болаларнинг теннис билан шуғулланаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Фурсатдан фойдаланиб, республика теннис федерациясининг Президенти ва бошқа барча ўзбекистонлик теннис мутасаддиларини мамлакатингиз теннисиси муваффақиятлари билан чин кўнгилдан табриклайман.

Сўнг қуръа ташланди. Унинг натижаларига кўра бугун Олег Огородов Рихард Крайчекка қарши кортга тушса, Вадим Куценко Сйен Шалкен билан ўзаро куч синашади. Шанба куни Огородов — Томашевич жуфтлиги Пол Харнус — Сйен Шалкен билан беллашади, охирги куни эса Куценко — Крайчек, Огородов — Шалкен баҳси ўтказилади.

Халқаро Теннис федерацияси президенти, Ўзбекистон ва Голландия жамоаларининг капитанлари спорт журналистларини қизиқтирган саволларга жавоб беришди. Шуни таъкидлаш керакки, рақибимиз жуда кучли ҳамда тажрибали бўлса-да, теннисчиларимиз ушбу ҳал қилувчи беллашувларга пухта тайёргарлик кўришди ва ғалаба учун бор куч-ғайратларини сарфлашади.

Қуръа ташлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов, Республика теннис федерациясининг президенти Рустам Иноятов, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов, шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрназаровлар иштирок этди.

**Дилшод ИСМОИЛ, Лобар УСМОНОВА.**

*Қарор ва ижро*

## КОММУНАЛ ХИЗМАТДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги хайрли ташаббусга қўл урди: Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ва тегишли хизматлар билан ҳамкорликда шаҳар хўжалигининг энг муҳим тизимлари раҳбарлари билан ушбу соҳалардаги ютуқ ва камчиликларни муҳокама қилиш, истиқболли йўналишлар ва хайрли тажрибалар билан ўртоқлашиш, қолаверса биргаликда самарали ечимлар йўлларини излаш мақсадида оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирокида матбуот анжуманлари ташкил этилмоқда.**

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида шаҳар ҳокими ўринбосарлари, пойтахт ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси, «Тошиссиқликқуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Сувсоз» тресті, туманлардаги коммунал-ҳудудий бирлашмалар, жойлардаги уй-жой мулкдорлари ширкатларининг раҳбарлари иштирокида ўтган навбатдаги анжуман бугунги кунда энг долзарб ва муҳим аҳамият касб этаётган Тошкент шаҳрида коммунал хизмат кўрсатиш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ушбу соҳанинг ривожлантирилиши масалаларига бағишланди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрназаров шаҳар уй-жой фондини тубдан таъмирлаш, уй-жой эгалари мулкдорлари ширкатларини тузиш, умуман, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги хайрли ўзгаришлар, муваффақият ва муаммолар тўғрисида қисқача маълумот бергач, шаҳар ҳокимининг ўринбосари, пойтахт ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасининг бош директори Виктор Дорохов йиғилганлар эътиборини ушбу тизимдаги ислоҳотларнинг бориши масалаларига қаратди.

— Ҳозирда шаҳардаги 98 фоиз уй-жойлар фуқароларнинг шахсий мулклари ҳисобланади, — деди жумладан у. — Бинобарин, бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири, бу — кишилар онгига уй унинг шахсий мулки эканлиги, уни асраб-авайлаш, озода тутиш лозимлигини сингдиришдир. 1998 йил ноябрида «Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг қарори, ўтган йил «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни чиққанидан сўнг айниқса коммунал соҳасидаги туб ислоҳотлар кенг йўлга кирди. Хусусан, концепциядан олдин Сергели туманида тажриба тариқасида жорий этилган уй-жойлардан фойдаланиш хизматларини хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиш йўналиши ўзини оқлади ва бу усул ривожлантирилмоқда. Ҳозир маълум қийинчиликлар билан бўлса-да уйдан фойдаланиш ва унинг сақланишини биргаликда бошқариш, таъмирлаш мақсадида шаҳарда 124 та уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тузилди ва фаолият кўрсатмоқда. 1991 йилгача қурилган уй-жойларни таъмирлаш дастури тайёрланиб, ушбу ишларни 2005 йилгача тугатиш ва мазкур турар жойларни уй-жой мулкдорлари ширкатларига топшириш юмушлари кетмоқда.

Концепция қабул қилингандан сўнг ўтган икки йил ичида 1382 та уйлар таъмирланди ва унга кетган маблағнинг 60 фоизини ҳокимият бюджетдан ташқари манбалардан излаб топди.

Камчилик ва муаммоларимиз ҳам етарли. Аҳолининг коммунал хизматлар бўйича қарзларини ундириш, коммунал хизматлар билан таъминловчиларнинг етказиб берилмаган хизматлар учун жавобгарлигини таъминлаш, чиқиндилар тўпланадиган жойларни етарли даражада қуриш, уй-жой мулкдорларининг ўз хонадонларини тоза, тартибли сақлашларига эришиш, ширкатлар сонини кўпайтириш шулар жумласидандир. Ҳозир ушбу йўналишларда ишлар олиб борилмоқда.

«Тошиссиқликқуввати» ишлаб чиқариш бошқармасининг директори Леонид Костин, шаҳар «Сувсоз» трестининг раҳбари Зокир Солихўжаевлар ҳам сўзга чиқишиб Тошкент шаҳрини иссиқлик манбалари, ичимлик суви билан таъминлаш борасида қилинаётган ишлар, ер остидаги эскирган қувурларни алмаштириш юзасидан муаммолар, ичимлик суви исрофгарчиликларининг зарарли оқибатлари ва унинг олдини олиш бўйича «Маҳалла» дастури асосида ирригация сувларини ташкил этиш борасидаги юмушлар, сув сарфи ўлчагичларининг фойдали томонлари тўғрисида тўхталиб ўтишди.

Барча сўзга чиққанлар йиғилганларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар қайтаришди.

Анжуман сўнгида Миробод туманидаги А.Авлоний номли уй-жой мулкдорлари ширкатининг раиси А.Оқмуродов ва Сергели туманидаги «Жаҳонаро Гулдаста» ширкатининг раиси С.Усмоновлар ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашишди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ.**

*Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши доимий комиссияларида*

## ЭЪТИҚОДЛИ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг **Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссиясининг** навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шаҳар ёшларининг дунёвий билимларини доимий ошириб бориш вазифалари муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан депутатлар — «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими Аъзам Акромхўжаев ва «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари бош муҳаррири Акмал Акромовлар маълумотлари тингланди.

Маълумки, бунгача доимий комиссия қошида юқоридаги масалани ўрганиш бўйича бир қанча депутатлар ва мутахассислар иштирокида махсус гуруҳ тузилганди. Гуруҳ аъзолари шаҳардаги корхона ва муассасалар, ташкилотларда, маҳаллаларда бўлиб, ёшлар билан ишлашнинг аҳволини, ўқиш, ишлаш ва малака ошириш шароитларини яратиб бериш, йигит ва қизларда илмий дунёқарашни шакллантириш масалаларида олиб борилаётган ишларни ўрганиб чиқдилар. Мазкур ўрганиш давомида ижобий тажриба билан бирга қатор муаммолар борлиги ҳам маълум бўлди. Айниқса, маҳаллаларда ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар олиб боришда, жамоат ташкилотлари, сиёсий партияларнинг ўз ўрни мавқелари бўлишлигига эътибор қаратилди.

Сўзга чиққанлар ташкилот ва муассасалар, турар жойларда ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни жонлантириш, бу борада бир дақиқа ҳам ғоявий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, «Камолот» жамғармаси, хотин-қизлар қўмиталари, бошқа жамоат ташкилотлари билан мувофиқлаштирилган уйғун иш олиб бориш бўйича таклиф ва мулоҳазаларини баён қилдилар.

«Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раҳбари, доимий комиссия раиси Муқаддам Расулова шаҳарда ёшлар ўртасида олиб борилаётган ишлар таъсирчанлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар мазмунини таништирди. Улар бўйича кенг қамровли иш олиб бориш бўйича конкрет вазифа белгиланди.

Доимий комиссия йиғилишида ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, бозор муносабатларига ўтиш шароитида уларнинг таъсирчан ижтимоий муҳофазасини ўрганиш бўйича янги гуруҳ таркиби тузилди.

**(Ўз мухбиримиз).**

*2000 — Соғлом авлод йили*

# ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БАРКАМОЛ, БАХТЛИ БЎЛСИН!

Мустақиллик йўлидан одимлай бошлаган дастлабки йилларданоқ мамлакатимизда келгуси авлодга, фарзандларимизни ҳар томонлама комил ва фозил инсонлар қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Соғлом авлод йили деб ном олган 2000 йил — асримизнинг сўнгги йилида «Соғлом авлод» давлат дастури асосида кенг кўламда амалга оширилаётган ишлар шу ғамхўрликнинг янги ёрқин ифодаси дейиш мумкин.

Бутун мамлакатдагидек пойтахти азим Тошкент шаҳрида ҳам баркамол инсонларни тарбиялаш, келажакка ғамхўрлик борасида ибратли ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси **Фарида АБДУРАҲИМОВА** мухбиримиз билан суҳбатда шулар ҳақида гапириб берди.

Маълумки хотин-қизлар қўмиталарининг асосий мақсади оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилишдан иборат. Ҳар қандай жамиятнинг асоси оила бўлса, оиланинг таянчи, устуни — оналар, яъни аёллардир. Аёлларга ғамхўрлик, уларнинг ижтимоий мавқеи, турмуш маданияти ва ҳаёт даражасини кўтариш йўлидаги ҳаракатлар оқибат натижада жамият равнақига ҳам маънавий, ҳам жисмоний баркамол инсонлар тарбиясига хизмат қилиши сир эмас. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини ошириш, уларнинг моддий ва маънавий шароитларини яхшилашга катта эътибор бериб келиняпти. Бу соҳада республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг шахсий ташаббуслари ва саъй-ҳаракатлари муҳим роль ўйнаётганини алоҳида таъкидлаш ўринли деб ўйлайман.

Кетма-кет эълон қилинган Оила йили, Аёллар йили, ундан кейин Соғлом авлод йили деб эълон қилинган 2000 йилимиздаги умумдавлат миқёсида, давлатимиз бошчилигида амалга оширилаётган ғоят кенг миқёсдаги тадбирлар асосан аёлларимиз, уларнинг сермазмун ва бахтли ҳаётларини таъминлаш ва шу асосда келажаги буюк давлатимиз пойдеворининг яратувчилари бўлган келгуси авлодларимизни ҳар томонлама камолотга эришган инсонпарвар кишилар қилиб вояга етказишга хизмат қилади.



Республикамиз пойтахти ҳамма соҳадаги каби аёллар, болаларга ғамхўрлик соҳасида ҳам ўрнак бўлиши керак. Шунинг учун ҳам давлат дастурлари доирасида кейинги йилларда анчагина ишлар амалга оширилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Соғлом авлод» давлат дастури асосидаги барча муҳим ишларимиз оналар ва болалар ижтимоий муҳофазасини яхшилаш, уларнинг оилада, ўқишда, меҳнатда кенг имтиёзларга эга бўлишини таъминлаш шиори остида олиб борилмоқда. Бу ишлар йўналишлари, кўлами ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун баъзи мисолларни келтиришни истардим.

Энг муҳим йўналишларимиздан бири — оила ва уни мустаҳкамлаш, келажак авлод тарбиясида унинг мавқеи ва ролини оширишдир. Чунончи, шу мақсадда ёш оилаларнинг тиббий-ижтимоий патронажи ташкил этилди. Бу — ўзаро никоҳ ришталари билан боғланиб, беш йилгача яшаган ҳар бир оила аъзолари — эри, хотини ҳамда уларнинг фарзандлари саломатлигини мониторингини ташкил қилиш, яъни уларни доимий равишда ўрганиб борувчи тизимни яратишга эришдик. Бунда шундай оилалар ва уларнинг аъзолари, янги туғилган ҳар бир фарзанд ҳақидаги маълумотлар компьютерга киритилиб, улар саломатлиги устидан доимий назорат ўрнатилади.

Компьютерга киритилган оилалар аъзолари ҳар ойда тиббий кўрикдан ўтиб туришади. Кузатилган ҳар қандай ўзгаришлар шифокорларнинг доимий назоратида бўлиб, дарҳол малакали тиббий ёрдам ташкил этилади.

Соғлом авлод — соғлом оилада дунёга келади деб бежиз айтишмаган. Шунинг учун ҳам биз оила бошидаёқ соғлом асосларда ташкил топишига алоҳида эътибор қиляпмиз. Шу мақсадда пойтахтда юзага келган тажриба кўпчиликни қизиқтиради деб ўйлайман. Бу — оила қуришга аҳд қилиб, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берган келин-куёвларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиш билан боғлиқ чора-тадбирларимиздан иборат.

Ҳар қандай янгилик сингари унинг ҳам ҳаётимизга сингиши осонликча кечаётгани йўқ. Келин-куёвлар учун одат бўлмаган бу тадбирга уларни кўндириш маълум тарбиявий ишларни олиб боришни тақозо этади. Бу ишни пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманида тажриба тариқасида тўрт йил олдин бошлагандик. Никоҳга ариза берганларнинг ҳаммаси имкон қадар тиббий кўрикдан ўтишга ҳаракат қилишди. Натижа ёмон бўлмади, шунинг учун ҳам уни бутун шаҳар миқёсида жорий этишга киришдик.

Эндиликда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларини ариза берганлардан салмоқли қисми ихтиёрий асосда тиббий кўрикдан ўтишмоқда. Масалан, шу йилнинг бошидан бугунгача 1818 та келин-куёв шундай кўрикдан ўтган. Шаҳарда никоҳларни қайд этиш органларида, тиббий кўрикдан ўтиладиган шаҳар диагностика марказида, маҳаллаларда олиб борилаётган доимий тушунтириш ишларимиз натижасида бора-бора ҳамма келин-куёвлар никоҳдан аввал тиббий кўрикдан ўтиши табиий ҳолга айланиши шубҳасиз. Чунки бу иш ана шу ёшларнинг ўзлари учун, улар тузадиган оиланинг мустаҳкам ва бахтли бўлиши учун қилиняпти. Шуни ҳам айтиш керакки, диагностика марказида никоҳга монелик қиладиган айрим хасталиклargina эътиборга олинади. Бошқа аниқланган хасталиклар бўйича келин ва куёвларга алоҳида тавсиялар берилади.

Компьютерга тўпланган маълумотлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги адлия бошқармаси қошида ташкил этилган Ахборот-сервис хизмати марказида тўпланади. Улар ўрганиб, таҳлил этилиб, тегишли хулосалар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига, келин-куёвларнинг турар-жойларида хизмат кўрсатувчи поликлиникаларга юборилади. Бу поликлиникаларда беш йил давомида ҳам эр-хотинларнинг, ҳам уларнинг фарзандларининг саломатлигини мунтазам кузатиб, зарур тиббий хизматлар билан таъминлаб боради.

Яна бир нарсани қайд этиш ўринли деб ўйлайман. У ҳам бўлса келин-куёвларни тиббий кўрикдан ўтказиш бепул амалга оширилади. Ваҳоланки, ҳар бир келин-куёвнинг бир марта кўрикдан ўтиши 5-6 минг сўмга тушади.

Яна бир диққатга сазовор ишимиз оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлашда жамоатчилик, биринчи навбатда, маҳалланинг ролини ошириб бориш бўйича саъй-ҳаракатлардан иборат. Ёш оилаларда юзага келадиган турли жанжаллар маҳалла хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, ҳурматли отахон ва онахонлар таъсирида бартараф этилади. Кўпгина ажралишлар бошида арзимас бўлиб туюлган нарсалардан келиб чиқишини ҳаётнинг ўзи неча бор тасдиқлаган. Шунинг учун ҳар бир хонадоннинг икир-чикирини, ўз одамларининг феъл-атворларини яхши биладиган маҳалла фаолларидан яхшироқ бу муаммони ҳеч ким бартараф этолмайди.

Фикримча, юқоридаги икки тадбир, яъни келин-куёвларни никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш ва ажралиш ишларини олдин маҳаллада кўриб чиқиш тажрибаси шаҳримизда қўйди-чиқдиларнинг камида 30-40 фоизга камайтирди. Илгарилари бир йилда ўртача 5-6 минггача ажралиш бўлган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 4 мингга тушди. Ўйлаймизки, оилаларни мустаҳкамлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, фарзандлар саломатлигига ғамхўрликни кучайтириш каби тадбирларимиз туфайли ажралишлар сони яна ҳам кескин камайишига эришамиз.

«Соғлом авлод» дастури асосида амалга ошираётган муҳим тадбирларимиздан бири аёлларнинг адаптация марказини ташкил этиш борасидаги ишларимиздан иборат. Бу марказ мураккаб аҳволга тушиб қолган аёлларга руҳий, тиббий, маиший ва ижтимоий ёрдам кўрсатиши керак. Бу ерда шундай аёлларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, улар учун кичик новвойхоналар, тикиш цехлари, кир ювиш цехи, сартарошхона очиш мумкин. Аввало бундай аёллар руҳшунос ҳузурида бўлиб, ундан зарур тиббий ёрдам олиб ўзларига келадилар. Сўнг улар зарур ҳолларда касблари бўйича ишлар билан таъминланади, касби бўлмаганларга пазандалик, тикувчилик ва бошқа касблар ўргатилади. Икки-уч ойлик турли курслар очилади. Бу ердаги хизматлар ҳам ҳаммаси — бепул.

«Соғлом авлод» дастури асосида қаровсиз қолган болаларга ҳуқуқий ёрдам маркази ташкил қилиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Бу ишга Тошкент шаҳар ҳокимлиги шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Республика Болалар жамғармаси, шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бош-қош бўлмоқда. Ҳозир Чилонзор туманида шу марказ учун бино танланиб, уни таъмирлаш масалалари ҳал этиляпти. Қаровсиз қолган болалар бу ерга олиб келиниб, ювиб-тараб, овқатлантирилиб, ўқишга, ҳунар ўрганишга жойлаштирилади.

Шаҳардаги аёлларга хизмат қилувчи аёлларнинг репродуктив марказининг ташкил этилганлиги ҳам соғлом авлод тарбиясига қўшиладиган муҳим ҳисса бўлади. Шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси билан бирга иш олиб борувчи бу марказда тиббий ходимларнинг ўзлари ҳам ўқитилади, малакалари ошириб борилади.

«Соғлом авлод» дастури бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида яна кўп мисоллар келтириш мумкин. Лекин гап аввало улар сонида эмас. Бундай тадбирларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигида. Мўлжаллаган ишларимиз изчил олиб борилаётганлиги, Президентимизнинг ёш авлодга ғамхўрлик борасидаги ташаббус ва саъй-ҳаракатлари пойтахтимизда кенг қўллаб-қувватланаётганлиги муҳим. Шу асосда муаззам Тошкент аҳли Мустақиллигининг яқинлашиб келаётган 9 йиллик айёмини ҳар қачонгидан кўтаринки руҳ, яхши кайфият ва Ватан муваффақиятларини янада мустаҳкамлаш йўлидаги жўшқин, фидойиларча меҳнатлари билан кутиб оладилар.

**Саид ВАЛИЙ ёзиб олди.**

**Қуйидаги схемада Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш тизимининг тартиби акс этган.**

## ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ ВА НИКОҲДАН ОЛДИН ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТКАЗИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЗИМИНИНГ ТАРТИБИ




*Дастурлар ва танловлар*

# ҒОЛИБГА — «НЕКСИЯ» АВТОМОБИЛИ



**Биринчи ўзбек сигаретаси «Хон» истеъмолчиларини рағбатлантириб туриш хайрли анъана тусига кирган. Хусусан, илк бор «Хонни сотиб ол — автомобиль ют» истеъмолчиларни рағбатлантириш дастури 1996 йили ташкил этилган эди. Ўшанда омадли ҳамюртларимиз 1 та автомобиль, 50 та телевизор ва 150 та плейерларнинг соҳиблари бўлишганди. 1997 йилда ҳам худди шундай дастур ўтказилди. 1999 йили эса савдо маркаларининг Ўзбекистон бозоридаги 3 йиллиги тантаналарига бағишланган «Хоn» ва «Xon Ligntg» сигареталари истеъмолчилари учун «Хонни сотиб ол — 3 миллион сўм ют» учинчи дастури катта муваффақият билан ташкил этилди.**

Шу йили янги аср арафасида «Хон» савдо маркаси «Xon Lignts» сигареталари истеъмолчилари учун автомобиль 6 ўйналадиган янги дастурни тақдим этди. Унга кўра 10 майдан бошлаб ҳар икки ҳафтада биттадан автомашина соҳиби аниқланди. Дастурнинг дастлабки ўйинида 15000 купон иштирок этиб, Константин Кимга омад кулиб боқди. У «Нексия» автомобилининг соҳиби бўлди.

«Илҳом» театрида ташкил этилган дастурнинг иккинчи босқичида 45000 купон иштирок этиб, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг талабаси Беҳзод Бозоров ҳам ғолиб сифатида бош мукофот — автомашина билан тақдирланди.

Куни кеча мухлислар ва истеъмолчилар билан гавжум «Илҳом» театрида бу йилги дастурнинг учинчи якуний босқичи бўлиб ўтди. «Илҳом» театр-студияси артистларининг қизиқарли саҳнавий чиқишлари, концерт дастурларидан сўнг узоқ кутилган онлар келиб, купонлар ўйналди. 343 минг купон ичидан ягона ғолиб аниқланди. Шуниси қизиқки, лототрондан тушган ўн учинчи рақамли шар Омонилла Маъдиевга бахт келтириб, у навбатдаги «Нексия» машинаси ютуғини қўлга киритди.

Шу тариқа «Xon Lignts» сигареталари истеъмолчиларини рағбатлантириш тўртинчи дастури ниҳоясига етди. Бироқ келгусида янгидан-янги дастурлар ташкил этилишига шубҳа йўқ.

**Дилшод ИСРОИЛОВ.**

*Спорт — саломатлик гарови*

# МАҲОРАТ КЎРИГИГА АЙЛАНДИ

Савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва турли шаклдаги тадбиркорлик ходимлари касаба уюшма шаҳар қўмитаси спортнинг жамиятимизда тутган ўрнига, тармоқ ходимларини соғломлаштиришга катта аҳамият бериб келмоқда.

Яқинда тармоқ касаба уюшма шаҳар қўмитаси ташаббуси билан Тошкент шаҳар савдо департаментининг совринлари учун «Агрегат» корхонасининг стадионида 12 та жамоа иштирокида мини-футбол бўйича анъанавий мусобақа бўлиб ўтди. Муросасиз баҳсга айланган беллашувларда яшил майдонда астойдил тўп сурган жамоалар нималарга қодир эканликларини намойиш этиб, ўзлари меҳнат қилаётган корхона, ташкилот ва туман савдо департаментининг спорт шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Ўзига хос маҳорат кўригига айланган, чиройли тарзда ўтган ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлган мусобақаларнинг финал босқичи барчага завқ-шавқ бағишлади.

Ниҳоят, турнир ниҳоясига етиб, ғолиблар аниқланди. Тармоқ касаба уюшма шаҳар қўмитасининг раиси А. Эшонхўжаев мусобақа ғолиблари ва қатнашчиларини чин дилдан муборакбод этди.

Қизиқарли беллашувларда Чилонзор тумани савдо департаментининг жамоаси мини-футбол бўйича анъанавий турнирда биринчиликни эгаллади. Ғолиб жамоа кўчма кубок, диплом, ўйинчилар эса эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

«Ардус» қўшма корхонаси жамоаси ҳурмат шоҳсупасининг иккинчи поғонасига, Шайхонтоҳур туман савдо департаменти футболчилари эса фахрли учинчи ўринга кўтарилдилар ва дипломлар, эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Мусобақа махсус совринларининг соҳиблари ҳам маълум бўлди. Чилонзор тумани савдо департаменти ходими Ҳусан Юнусбеков «Энг яхши дарвозабон», «Ардус» қўшма корхонасининг бош директори Жаҳонгир Усмонов «Энг яхши ҳужумчи», Юнусобод тумани савдо департаменти ходими Зафар Миркаримов «Энг яхши ҳимоячи» деб эътироф этилди.

«Тошкент универмаги» супермаркети очиқ акциядорлик савдо ишлаб чиқариш жамиятининг шўъба мудири Ҳасан Қосимов «Футболга садоқати учун» эсдалик совғаси билан тақдирланди.

Тошкент шаҳар Савдо департаменти бошлиғининг биринчи ўринбосари С. Саидаҳмедов ғолиблар ва финал иштирокчиларини самимий табриклаб, уларга эзгу тилакларини билдирди.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ.**

*Назорат*

# ИЖРО ИНТИЗОМИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги назорат инспекциясининг ҳудуддаги корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари иштирокидаги семинар-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари, хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш, давлат бошқарув идораларида, корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисида туман ҳокимининг ўринбосари, назорат инспекциясининг раҳбари Ш. Юсупов, ҳокимлик девонхонаси мудираси М.Толиповаларнинг маърузалари тингланди. Ушбу йиғилишда ижро интизоми бузилаётган жамоаларда иқтисодий, ижтимоий ва маънавий инқирозларга учраш ҳоллари рўй бераётганлиги, бу борада раҳбарларнинг шахсан масъул эканликлари яна бир бор эслатиб ўтилди. Ҳар бир меъёрий ҳужжат албатта банд-ма-банд тўлиқ ҳажмда бажарилиши лозимлиги, қилинган ишлар тўғрисида тегишли идораларга ўз вақтида ахборотлар бериш кераклигига йиғилиш қатнашчиларининг эътибори қаратилди. Семинар йиғилишида жойларда ҳужжатлар билан ишлаш, уларнинг назоратини ташкил қилиш бўйича муҳокама юритилди. Тошкент трактор, Лак-бўёқ корхоналарининг ушбу йўналишдаги иш тажрибаларидан ахборотлар тингланди, қатнашчиларга услубий қўлланмалар берилди.

**Миржамол МИРСОАТОВ,**
**Туман назорат инспекциясининг бош мутахассиси.**

